

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.ФМ/Т.01.12
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ПАЛУАНОВА АНИФА ДАРИБАЕВНА

**ВОЛЬФРАМ ВА МОЛИБДЕН БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН
КРЕМНИЙНИНГ ЭЛЕКТРОФИЗИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

01.04.10-Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-
mathematical sciences**

Палуанова Анифа Дарибаевна

Вольфрам ва молибден билан легирланган кремнийнинг
электрофизик хусусиятлари..... 3

Палуанова Анифа Дарибаевна

Электрофизические свойства кремния, легированного вольфрамом и
молибденом..... 19

Paluanova Anifa Daribaevna

Electrophysical properties of silicon doped with tungsten and
molybdenum..... 33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ПАЛУАНОВА АНИФА ДАРИБАЕВНА

**ВОЛЬФРАМ ВА МОЛИБДЕН БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН
КРЕМНИЙНИНГ ЭЛЕКТРОФИЗИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Физика-математика фаилари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида
B2019.2.PhD/FM.380 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ispm.uz>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Далиев Шахрух Хожакбарович
физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: Азаматов Закиржон Тахирович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Отажонов Салим Мадрахимович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «20» 01 соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (99871) 248-79-94, факс: (99871) 248-79-92, e-mail: info@ispm.uz).

Диссертация билан Рақамли технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин. (32 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (99871) 248-79-59, e-mail: info@ispm.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «08» 01 куни тарқатилди.
(2022 йил «08» 01 даги 32 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Б. Утамурадова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.Ж. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
PhD

Х.К. Арипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳонда фан ва техниканинг жадал суръатлар билан ривожланиши даврида қаттиқ жисмли электроника, опто ва наноэлектроника қурилмаларидан фойдаланишга бўлган талаб тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Уларнинг ривожланиши замонавий алоқа ва телевидение тизимларини яратиш, электр энергиясини самарали узатиш ва конвертация қилиш, турли маиший, тиббий ва махсус электрон ускуналарни яратиш муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш билан боғлиқ. Қаттиқ жисмли қурилмаларни қўллаш соҳаси доимий равишда кенгайиб бормоқда, бу саноатнинг янги йўналишларни ривожланишига имкон берадиган мутлақо янги турдаги қурилмаларни яратмоқда, бу эса, ўз навбатида, замонавий яримўтказгичли қаттиқ жисмларнинг асосий материали бўлган Si тузулишини такомиллаштиришни талаб қилади. Шу муносабат билан Si да нуқсонларни ҳосил бўлиш жараёнларини турли киришмалар билан легирлаш орқали ўрганиш ва яримўтказгичли асбоблар параметрларини барқарорлаштиришнинг бошқариладиган усулларини яратиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёда монокристалли кремнийда нуқсон ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш, хусусан, қуйидаги йўналишлар бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда: вольфрам ва молибден киришмалари киритилган кремнийда нуқсон марказларининг ҳосил бўлиш жараёнларини турли омиллар таъсирида ўрганиш; вольфрам ва молибден киришмалари кремнийда чуқур марказлар ҳосил бўлиш механизмларига технологик киришмаларнинг таъсирини ўрганиш; вольфрам ва молибден киришмаларининг ҳосил қиладиган чуқур энергетик сатҳлар спектрининг пайдо бўлиш қонуниятларини ўрнатиш, уларнинг бошқа киришмалар ҳамда панжарадаги структуравий нуқсонлар билан таъсири, вольфрам ва молибден атомлари мавжуд киришмалари кремнийда структуравий нуқсонларни ҳосил бўлишида иссиқлик ва радиацион нуқсонларнинг таъсирини ўрганиш. Ушбу соҳаларда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон олимлари томонидан яримўтказгичли материаллар ва кўп қатламли структураларни чуқур сатҳ ҳосил қилувчи киришмалар билан легирлаш жараёнларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Қийин эрувчи элементларни кремнийга киритиш орқали кремнийли структураларнинг фотосезгирлигини оширишда юқори ютуқларга эришилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, инновацион технологияларни жорий этиш орқали яримўтказгичлар физикаси соҳасидаги назарий ва амалий тадқиқотлар асосида микроэлектроника саноатининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони ҳамда 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар Академиясининг фаолияти ва илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштиришни ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2018- йил 14-июлдаги ПФ-3855-сон “Илмий ва илмий техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2021-йил 19-мартдаги ПҚ-5032-сонли “Физика соҳасида таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг Ф2 "Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик" ва III “Энергия, энергия ресурсларини тежаш, транспорт, машинасозлик ва асбобсозлик; замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозликни ривожлантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Яримўтказгичлар физикаси ва яримўтказгичлар материалшунослиги соҳасидаги тадқиқотлар илғор давлатларнинг илмий марказлари, институтлари ва университетлари: жумладан, Chent и ва Калифорния (АҚШ) университетлари, Hemlock Semiconductor Corporation, Sony Corporation, Philips Semiconductors, STMicroelectronics (Италия), Lucent Technologies (США) ва Мадрид (Испания) ва Берлин техника университетида (Германия) эса турли киришмалар билан легирланган кремний асосида оптоэлектрон асбоблар яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Bell лабораторияси тадқиқот маркази (США)ларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда қийин эрувчи элементлар устида олиб борилаётган тадқиқотлар кремний асосида яримўтказгичли материаллар асосида температура датчикларини яратиш ва уларнинг бошқа функционал параметрларни яхшилаш бўйича; легирланган Si асосида температура ва намлик датчикларни ишлаб чиқиш; ўтувчи элементлари мавжуд киришмали кремнийда иссиқлик ва радиацион нуқсонларнинг ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш; икки ўлчамли қатламлар фазолар чегарасида юзага келадиган наноўлчамли нуқсонларни ўрганиш.

Ҳозирги вақтга қадар олимлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг эътибори кремнийда ва кремний структураларида кечувчи физик жараёнлар, шунингдек уларнинг параметрлари барқарорлигини муқобиллаштириш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган.

АҚШ, Италия ва Япония олимлари Lauwaert J, Koichiro S, Simoen E, Vrielinck. H, M.L.Poligano, A. Gaibiati, S.Grasso, D.Magni (W ва Mo)

атомлари билан легирланган кремнийнинг тақиқланган зонасида ҳосил бўлган чуқур сатҳларининг энергетик спектрлари, киришма атомларининг технгологик киришмаларга таъсирлари бўйича изланишлар олиб борган.

Россиялик олимлар С. И. Расмагин, И. К. Новиков, Д.П.Родионов, Н.Н.Степанова, Ю.И.Филиппов, В.А. Казанцев томонидан кремнийда ҳар хил чуқур сатҳли киришмаларнинг ҳолати ўрганилган ва ушбу сатҳларнинг энергетик спектрлари ва парамагнит марказлари аниқланган. Улар томонидан бир қатор пассив, электр нофаол бўлган киришмалар хоссалари кремний ва бошқа яримўтказгичларда ҳам ўрганилган.

Академиклар Муминов Р.А., Бахадирханов М.К., Зайнабидинов С.З., Мамадалимов А.Т, Далиев Х.С, Утамурадова Ш.Б, Далиев Ш.Х ва бошқа Ўзбекистонлик олимлар ҳам яримўтказгичлар ва яримўтказгичли структуралардаги локал марказлар физикасини ривожлантиришга қаратилган илмий изланишларда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Яримўтказгичлар ва яримўтказгичли структураларнинг хоссаларини ўрганиш бўйича экспериментал маълумотларнинг кўплигига қарамасдан, турли ташқи омиллар: босим, температура ва ҳар хил нурланишлар таъсирида унга асосланган кремний ва кўп қатламли структураларнинг ҳаракатини олдиндан айтиб беришга имкон берувчи маълумотлар мавжуд эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси фан ва технология агентлиги томонидан грантлар тематик режаларига мувофиқ амалга оширилган: ЁФ-2-08 рақамли “Ноёб ер элементлар кириндилари билан легирланган кремний ва кремнийли кўпқатламли структуралардаги нуқсон ҳосил бўлишига ва термик ишловига радиациянинг таъсирини ўрганиш” (2010-2011 йй.), ЁФ-2-13 рақамли “Кремний структураларининг электрофизик хоссаларига титан кичик гуруҳи кириндиларининг таъсирини ўрганиш” (2016-2017 йй.) ОТ-Ф2-11 рақамли “d-элементлар кириндилари билан легирланган кремнийнинг сирт қатламларида ва ҳажмида наноўлчамли нуқсонларнинг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш” (2019-2020 йй.); МУ-Ф3-20171025461-рақамли “Диэлектрик сифатида лантан, гадолиний ва европий оксидлари ишлатилган кремнийли МДЯ структураларни электрофизик хусусиятлари” (2018-2019 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: сиғимли ва инфрақизил спектроскопия усуллари ёрдамида вольфрам ва молибден киришмалари билан легирланган кремнийда нуқсонли марказларининг шаклланиш хусусиятларини, шунингдек, технологик омилларнинг кремнийдаги бу киришмаларнинг хусусиятларига таъсирини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: вольфрам ва молибден киришмалари билан кремнийни легирлаш технологиясини оптималлаштириш;

хар хил усулларда вольфрам ва молибден билан легирланган кремний намуналарининг электрофизик хоссаларининг хусусиятларини тадқиқ этиш;

кремнийнинг дастлабки нуқсонли тузилиши ҳолатининг вольфрам ва молибденнинг чуқур марказлари ҳосил бўлишига таъсирини ўрганиш;

вольфрам ва молибден киришмалари билан легирланган кремнийда нуқсонли марказларининг ҳосил бўлишининг айрим хусусиятларини тадқиқ қилиш;

кремнийда вольфрам ва молибден киришмаларининг чуқур марказларини ҳосил бўлиш самарадорлигига турли легирлаш режимларининг ва ташқи омилларнинг таъсирини ўрганиш;

молибден ва вольфрам билан легирланган кремнийда нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёналарида электронейтрал киришмаларнинг ролини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида вольфрам ва молибден элементлари билан легирланган Чохраль ва зонали тигелсиз эритиш усули билан ўстирилган монокристалли кремний олинган.

Тадқиқотнинг предметини вольфрам ва молибден киришмалари билан легирланган кремнийда нуқсонларнинг ҳосил бўлишнинг айрим хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қуйилган вазифаларни ҳал қилишда чуқур сатҳлар сиғимли спектроскопия, ёруғлик ўтказувчанлик ва инфракизил спектроскопия усуллари қўлланилди.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вольфрам ва молибден киришмалари билан кремнийни легирлашнинг технологик режимлари оптималлаштирилган;

вольфрам ва молибден киришмаларини кремнийда тўлиқ эрувчанлиги ва электроактив атомлар концентрацияси легирлашнинг технологик режимларига боғлиқ эканлиги аниқланган;

вольфрам ва молибден киришмаларининг кремний таркибига ўстириш жараёнида киритилишида киришмаларнинг электронейтрал ҳолатида бўлиши ва уларни узоқ муддатли юқори ҳароратли ишлов бериш йўли билан фаоллаштириш мумкинлиги аниқланган;

вольфрам ва молибден билан легирланган кремнийда нуқсон ҳосил бўлиш жараёналарининг самарадорлиги легирлаш усулига, нуқсонли структуранинг мукамаллигига, дастлабки термик ҳолатига ва кремнийни бу киришмалар билан легирлашнинг технологик режимларига боғлиқ эканлиги илк бор аниқланган;

вольфрам ва молибден киришмаларини юқори ҳароратли диффузия усулида кремнийга киритишда оптик фаол кислород концентрациясини вольфрам ва молибден киришмаларининг концентрациясига қараб 25-30% га камайтиришига олиб келиши аниқланган, бу эса вольфрам ва молибден киришмаларининг кислород билан нейтрал комплексларини ҳосил қилиши билан боғлиқлиги аниқланган;

вольфрам ва молибден киришмаларининг кремнийнинг таркибида мавжудлиги радиацион нуқсонларнинг ҳосил бўлиш самарадорлигини

назорат намуналарига нисбатан 5÷6 мартага, термик нуқсонлар концентрациясини эса 2÷3 марта камайитириши кўрсатилган;

электронейтрал киришма - гадолинийни кремнийга олдиндан киритиш вольфрам ва молибден киришмаларининг эрувчанлигини ва чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлиш самарадорлигини 2 марта оширишига олиб келиши аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Кремний таркибида W ва Mo киришмаларининг ҳосил қилган чуқур сатҳларни шакллантириш самарадорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқилган;

вольфрам ва молибден киришмаларини кремнийга киритиш орқали ва радиацион нуқсонларнинг ҳосил бўлиш самарадорлигини камайитириши ва иссиқликка барқарорлигини оширишнинг технологик режимлари ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:

юқори сезгирлик ва катта ажратиш қобилиятига эга чуқур сатҳлар параметрларини алоҳида аниқлаш имкониятига эга бўлган ностационар сифимли спектроскопия, ёруғлик сифими, ёруғлик ўтказувчанлик, инфрақизил спектроскопия усулларида фойдаланиш орқали асосланган ва турли усуллар билан олинган натижалар орқали тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вольфрам ва молибден киришмалари билан легирланган монокристалл кремний ва кремний структураларида содир бўладиган физик жараёнлар тушунчасини кенгайтиришдан иборат.

Вольфрам ва молибден киришмаларини киритиш орқали кремний параметрларини иссиқликка барқарорлиги ва радиацияга чидамлилигини ошириш учун турли яримўтказгичли асбобларни ишлаб чиқаришдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Вольфрам ва молибден киришмалари билан легирланган кремнийда нуқсонли марказларининг шаклланиш хусусиятларини ҳамда уларга технологик омилларнинг таъсирини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кремний кристаллини вольфрам ва молибден киришмалари билан легирлаш технологияси ва бу киришмалар асосида кремний структураларида термик нуқсонларнинг ҳосил бўлиш жараёнларини батафсил ўрганишга имкон яратилганлиги Тошкент давлат техника университетида Давлат илмий-техника дастури доирасида 2017-2018 йилларда бажарилган ОТ-А3-57-“Наноструктурали кремний датчик асосида турли хил объектларда ҳарорат ва намликни назорат қилувчи микропроцессорли асбобни ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳада қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021-йил 4-ноябрдаги №89-03-2337 сон маълумотномаси).

Илмий натижалардан фойдаланиш кремний структураларида турли хил термик нуқсонларни батафсил ўрганиш имконини берган ва наноструктурали кремний датчикларининг иссиқликка чидамлилигини 2÷3 баробар ошириш имконини берган;

олинган илмий натижалар экспериментал намуналарда синовдан ўтказилди ва улардан фойдаланиш яримўтказгичли қурилмаларнинг (ишлаб чиқилган диодлар) ишчи параметрларини 10÷15% га яхшилаш имконини берган. (“Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компаниясининг 2021-йил 22 ноябрдаги №04-3/2494-сон маълумотномаси) Илмий натижалардан фойдаланиш вольфрам ва молибден киришмалари билан легирланган кремнийда ҳосил бўлган чуқур сатҳларнинг энергетик спектрларини назорат қилиш имконини берган;

кремний таркибига вольфрам ва молибден киришмаларининг киритилиши, унинг таркибидаги бошқариб бўлмайдиган технологик киришмалар (O, C) концентрациясини 20÷25% га камайтириши аниқланган; вольфрам ва молибден киришмалари кремний ҳажмида мавжудлиги иссиқлик таъсирида ҳосил бўладиган термик нуқсонларни концентрациясини 2÷3 марта камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 7 та халқаро ва 7 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 9 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати 140 та номдан иборат бўлиб, 21 та расм, 4 та жадвални ўз ичига олган ҳолда 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган. Тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кремнийдаги вольфрам ва молибден атомларининг хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида адабиётларда келтирилган натижалар таҳлил қилинган. Ушбу бобда кремний монокристаллига киритилган қийин эрувчи элементларга кирувчи вольфрам ва молибден атомларининг ҳар хил методларда киритилиши ва улар асосида тайёрланган қурилмалар натижалари ўрганилган. Вольфрам ва молибден билан легирланган кремнийнинг электрофизик хусусиятларига ҳар хил

температураларда термик ишлов бериш, ташки нурлантиришнинг таъсири, ундан ташқари кремний таркибида бўлган технологик киришмаларнинг структурадаги нуқсонларга таъсирини тадқиқ этиш бўйича маълумотлар таҳлил этилган.

Кремний ва кремнийли структураларда турли нуқсонларнинг ҳолати, хусусияти ва турли ташқи факторларга таъсирининг таҳлили баён этилган. Келтирилган таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот усуллари ва намуналарни тайёрлаш технологияси”** деб номланган иккинчи бобида Яримўтказгичлар ва яримўтказгичли структураларда чуқур сатҳлар сифимли спектроскопиясининг асосий қонуниятлари ўлчаш усуллари кенг баён этилган. DLTS нинг классик услубининг моҳияти баён қилинган. Ундан ташқари DLTS спектрларини турли режимларда ва бир қарралик ва кўпқарралик сканерлаш йўли билан олинган DLTS спектрларини ҳисоблаш усули баён этилган.


Кремнийдаги технологик киришмалар бўлган кислород ва углероднинг концентрациясини аниқлаш учун икки нурли схемада спектри 1200 дан 400см^{-1} инфрақизил (ИҚ) соҳасида ишлайдиган SPECORD-72-IR инфрақизил спектрофотометр ёрдамида ИҚ-ютилиш спектрларини ўлчаш усули баён этилган.

Ундан ташқари кремнийни вольфрам ва молибден киришмалари билан легирлаш технологияси тўлиқ келтирилиб ўтилган.

Диссертациянинг **“Вольфрам ва молибден киришмалари билан легирланган кремнийда нуқсонли марказларнинг ҳосил бўлиш хусусиятларини ўрганиш”** деб номланган учинчи бобида вольфрам ва молибден атомалари билан легирланган кремнийдаги нуқсонли марказларнинг энергетик спектрини ўрганишга бағишланган. Вольфрам ва молибден киришмалари билан легирланган кремнийда нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнларини, сифимли спектроскопия (DLTS ва ЁС) усуллари ёрдамида тадқиқ этиш натижалари баён этилган, кремнийнинг тақиқланган зонасида вольфрам ва молибден киришмаларининг ҳосил қиладиган чуқур сатҳларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди.


W ва Mo киришмалари билан легирланган кремнийни 1-50 соат мобайнида 1200°C да диффузия усулида олинган барча диодларда тадқиқ қилинган вольт-фарад характеристикалари (ВФХ) чизиқли боғланган. Бу W ва Mo киришмаларининг кремний ҳажмида текис тақсимланганлигини кўрсатади.

$\text{Si}\langle\text{Mo}\rangle$ ва $\text{Si}\langle\text{W}\rangle$ намуналарининг солиштирма қаршилик тақсимоти профилини ўлчаш натижалари шуни кўрсатадики, вольфрам ва молибден киришмаларининг киритилиши намуналар солиштирмали қаршилигини сезиларли ўзгаришига олиб келади ва диффузиядан кейинги совиши тезлигига боғлиқ (1-расм).



1-расм. Si<Mo> намунанинг солиштирма каршилик таксимот профили (1) секин совутиш, (2) тез совутиш ва назорат намунаси Si (3)

Кремнийдаги нуқсонларнинг энергетик спектри вольфрам мисолида кўриб чиқилган. Улчаш натижалари шуни курсатдики, DLTS спектри n-Si<W> намуналарида $T_M=125$ К, $T_M=145$ К ва $T_M=160$ К да максимумларга эга учта чўққи (2-расм, 1- эгри чизик, А, В ва С пиклар) кузатилади. DLTS спектрларини Аррениус боғланишида қайта ҳисоб-китоб қилиш чуқур сатҳларнинг бу чўққиларнинг $E_c-0.22$ эВ, $E_c-0.30$ эВ ва $E_c-0.39$ эВ га тенг ионизация энергияси билан қайта зарядланиши билан боғлиқлигини кўрсатади. p-Si<W> намуналарида $E_v+0.31$ эВ, $E_v+0.35$ эВ га тенг ионизация энергиясига чуқур сатҳ аниқланди (2-расм, D ва E пиклар).



2

-расм. n-Si<W> ва p-Si<W> намуналарининг DLTS спектрлари


Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, $E_c-0.22$ эВ ионланиш энергиясига эга бўлган сатҳ термоишлов берилган назорат намуналарида ҳам ва унинг концентрацияси $Si\langle W \rangle$ намунасига нисбатан етарли даражада катта.

Кузатилган сатҳлар концентрацияси вольфрам киришмасининг киритиш технологиясига боғлиқлиги кўрсатилди.

$n-Si\langle Mo \rangle$ ва $p-Si\langle Mo \rangle$ намуналарининг DLTS спектрларини ўлчаш натижалари шуни кўрсатдики, Mo киришмаларининг Si таркибига $1200^\circ C$ ҳароратда диффузион киритилиши ва тез совутилиши ионизацион энергияси $E_c-0.20$ эВ ва $E_c - 0.29$ эВ бўлган иккита чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлиши аниқланди. $n-Si\langle Mo \rangle$ намунада тақиқланган зонанинг пастки яримида $E_v+0.36$ эВ энергияли чуқур сатҳ аниқланди.


Турли ҳароратда молибден билан легирланган $n-Si\langle Mo \rangle$ ва $p-Si\langle Mo \rangle$ намуналарининг DLTS спектри натижаларини таққослаш, молибден билан боғлиқ чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлиш самарадорлиги, вольфрам билан бўлган ҳолатдаги каби диффузия температурасига $T_{диф}$. Диффузия температурасининг ошиши билан чуқур сатҳ концентрацияси ошиб бориши аниқланган (3-расм).

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Si таркибида Mo атомларининг мавжудлиги термикишлов билан боғлиқ бўлган $E_c-0.20$ эВ чуқур сатҳнинг концентрациясини камайишига олиб келади.




3-расм. $n-Si\langle Mo \rangle$ ва $p-Si\langle Mo \rangle$ намуналарининг DLTS спектрлари, $T_{диф}^0 C$: 1- $1200^\circ C$, 2- назорат $n-Si$

Вольфрам ва молибден киришмалари билан легирланган кремнийда нуқсон ҳосил бўлиш жараёнлари инфрақизил спектроскопия ёрдамида ўрганилган. Вольфрам ва молибден киришмаларининг нуқсонли марказларини ҳосил бўлишига технологик киришмалар ҳолатининг таъсири тадқиқ қилинди. Si га вольфрам ёки молибден киришмаларинг, шунингдек бошқа қийин эрувчи элементларнинг диффузион усулда киритилиши диффузия ҳароратига ва ундан кейинги совиштиш тезлигига қараб оптик фаол кислород концентрациясини 20-30% га пасайишига олиб келиши аниқланди (4-расм, 2-эгрилик). Бир хил шароитларда термик ишлов берилган, вольфрам ва молибден киритилмаган назорат намуналарида бу ҳодиса кузатилмайди (4-расм, 1-эгрилик).



4-расм. n-Si(1)-назорат, n-Si<W> (2), n-Si+ЮҲИБ (3), 1100⁰С да дастлабки ЮҲИБ орқали олинган n-Si<W> намуналарининг ИҚ-ютилиш спектрлари (4-эгрилик).

Вольфрам ёки молибден киришмасини олдиндан термик ишлов берилган кремний намунасига киритиш вольфрам ва молибденнинг нуқсонли марказларини шакллантириш самарадорлигининг пасайишига олиб келиши кўрсатилди. Термик ишлов берилган кремний намуналарида ИҚ ютилиш спектрларини ўлчаш шуни кўрсатдики, 1100⁰С да ЮҲИБ кислород атомларининг чўкишига олиб келади, натижада N_{O}^{opt} нинг 40-50% гача камайиши кузатилади (4-расм,3-эгрилик). Олдиндан ЮҲ ишлов бериш, кейин вольфрам ёки молибден киришмаларини киритиш N_{O}^{opt} концентрациясини термоишлов берилган намунага нисбатан 10÷15 % камайитириши аниқланди (4-расм, 4-эгрилик). Бу, эҳтимол, вольфрам ёки молибден атомларининг кислород атомлари билан ўзаро таъсирининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ.



5-расм. 1200°С да легирланган n-Si<Mo> ва p-Si<Mo> (1), кислород концентрацияси оширилган намуна (2) ва углерод концентрацияси оширилган намуна (3) ва назорат намунаси n-Si (4).


Ўлчаш натижалари шуни кўрсатдики, вольфрам ва молибден киришмаларининг нуқсонли марказларининг шаклланиш самарадорлиги технологик киришмалар- кислород ва углероднинг концентрацияларига боғлиқ эканлигини кўрсатди (5-расм, 1-3-эгрилик). Кремний таркибида кислород атомларининг концентрацияси қанчалик катта бўлса, вольфрам ва молибден билан боғлиқ чуқур сатҳларнинг концентрацияси шунчалик паст бўлади, углерод атомларининг оширилиши, аксинча, W ва Mo сатҳларининг концентрациясини ортишига олиб келади.

“Вольфрам ва молибден киришмалари билан легирланган кремнийда чуқур марказларнинг ҳосил бўлиш самарадорлигига ташқи омилларнинг таъсирини ўрганиш” деб номланган тўртинчи бобда, вольфрам ва молибден киришмалари билан легирланган кремнийда нуқсон ҳосил бўлиш жараёнларига қўшимча нейтрал (пассив) киришмалар таъсирини термо ишлов бериш ва радиацион нурлантириш орқали тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.

Кремнийда вольфрам ва молибден билан боғлиқ нуқсон марказларининг хусусиятларига паст ҳароратли кўйдириш таъсирини ўрганилган ва Si<W> ва Si<Mo> намуналарга 150÷400°С ҳароратда изохрон ва изотермик термоишлов берилганда W ва Mo атомлари кремнийга диффузион киритилиши натижасида сатҳларнинг кўйишига олиб келиши аниқланган.

Қийин эрувчи элементларнинг чуқур сатҳларини кўйиш кинетикасини Si<W> намуналари мисолида кўриб чиқамиз. Бу изотермик кўйдиришда чуқур сатҳларнинг $E_s=0.30$ эВ ва $E_s=0.39$ эВ Nt концентрациялари

кўйдириш вақтида монотон бўлмаган ҳолда ўзгаради. 6-расмдан кўринадикки, 1-3 эгриликлар қисқа вақтлар оралиғида иккала сатҳнинг концентрацияларининг ўсишини кўрсатади, сўнгра $E_c-0.30$ эВ сатҳининг концентрацияси кескин пасаяди, лекин $E_c-0.39$ эВ чуқур сатҳининг концентрацияси камайиши анча секин содир бўлади (7-расм, 1 ва 2 эгриликлар). $E_c-0.22$ эВ сатҳида ҳамда назорат намуналарида (вольфрам киришмасиз) кузатиладиган концентрациянинг ўзгариши кремнийда вольфрам сатҳларининг концентрациясининг ўзгаришига тескари фазада содир бўлади.



6-расм. n-Si<W> ва p-Si<W> намуналарини 300°C ҳароратда изотермик кўйдиришданги DLTS спектрлари





Рис.7. Кинетика изохронного отжига образцов n-Si<W> при 300°C

Si<W> намуналарининг структуравий тадқиқотлари шуни кўрсатдики, қийин эрувчи киришмалар диффузиясидан кейин микрографларда турли шакллардаги катта жамланмалар кузатилади (расм.8, а).



8-расм. Si<W> намуналарининг 300°C изотермик кўйдиришдан сўнг нуқсонлар структурасининг микрофотографияси


300°C ҳароратда 10 дақиқа изотермик кўйдиришдан сўнг, катта жамланмаларнинг кичик жамланмаларга парчаланиши кузатилади (2-расм, б). Кейинчалик намуналарни 30-40 дақиқа давомида кўйдириш натижасида кичик жамланмалар катта шаклларга айланади (2-расм, в).

Вольфрам атомлари мавжуд бўлган намуналарни тўла кўйдириш натижасида катта ҳажмдаги жамланмаларнинг хосил бўлиши аниқланди (2-расм, г). Шу билан бирга тугунлараро оптик фаол кислород концентрациясининг дастлабки қийматига қайтиши аниқланди (вольфрам киришмаси билан легирлангангача ҳолат).

Si<W> намунани кўйдириш давомида вольфрам атомлари билан боғлиқ турли шакллардаги жамланмаларнинг ўзгариши нуқсон заррачалар катта гуруҳлар ҳажми ўзгариши билан боғлиқ тугунлар аро оптик фаол кислород ва чуқур сатҳ концентрацияси камайиши ўртасидаги боғлиқлик кремний таркибида назоратиз технологик аралашмаларнинг ва нуқсонлари билан қийин эрийдиган элементлар атомлари ўзаро мураккаб табиатини кўрсатиши аниқланган.

Молибден киришмаси билан легирланган n- тип кремнийда нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнларини ва бу жараёнларга нодир ер элементлари киришмаларидан бири – гадолийнинг таъсирини текширилди.

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кремний панжарасида Gd киришмасининг мавжудлиги DLTS спектрларининг ўзгаришига олиб келади: молибден атомлари билан боғлиқ сатҳларнинг концентрациялари n-Si<Gd,Mo> га нисбатан n-Si<Mo> да 2 марта ортади. Шунинг таъкидлаш керакки, $E_c-0.20$ эВ энергияли чуқур сатҳ термонуқсонлар концентрацияси гадолий атомлари туфайли сезиларли даражада камайди, яъни нодир ер элементлар атомлари термонуқсонлар ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади (9-расм).



9-расм. n-Si<Mo> (1), n-Si<Gd, Mo> (2), n-Si (3) намуналарининг DLTS спектрлари, $T_{\text{диф.}}, 1200$ °C.

Кремний ҳажмида гадолий атомларининг мавжудлиги молибден атомларининг эрувчанлигини оширади, шунинг билан бирга термик нуқсонлар билан боғлиқ $E_c-0.20$ эВ сатҳларининг концентрацияси камайиши аниқланди.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, кремний ҳажмида нодир ер элементлари киришмаларининг мавжудлиги қийин эрувчи элемент киришмаларининг эрувчанлигини оширади, бу ҳолда Mo кремнийда ва бир вақтнинг ўзида термик нуқсонларнинг ҳосил бўлиш самарадорлигини камайтиради. Бу Si нодир ер элементлар киришмаларининг кремний ҳажмидаги турли нуқсонлар ва назорат қилинмайдиган технологик киришмалар учун ички геттер вазифасини бажаради.

ХУЛОСАЛАР

Ишнинг асосий натижалари қўйидагилардан иборат:

1. Биринчи марта вольфрам ва молибден киришмалари билан легирланган кремнийда чуқур марказларни ҳар томонлама ўрганиш DLTS ва ФЕ усуллари билан амалга оширилди ва киришмаларнинг электроактив атомларининг тўлиқ эрувчанлиги ва концентрацияси W ва Mo ни Si га киритишнинг технологик шароитларига боғлиқ эканлигини кўрсатилди.

2. Кремнийни вольфрам ва молибден киришмалари билан легирлашнинг технологик режимлари ишлаб чиқилди ва n-Si ва p-Si намуналарига вольфрам киришмаларини диффузия йўли билан, ҳам эритмадан ўстириш йўли билан легирлаш натижасида тақиқланган зонанинг юқори қисмида учта чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлиши аниқланган бўлиб, уларнинг ионизация энергия қийматлари $E_c-0.22$ эВ, $E_c-0.30$ эВ ва $E_c-0.39$ эВ, шунингдек тақиқланган зонанинг пастки қисмида ионланиш энергиялари $E_v+0.31$ эВ, $E_v+0.35$ эВ билан икки чуқур сатҳнинг мавжудлиги аниқланган.

3. W ва Mo киришмаларининг Si таркибига ўстириш жараёнида киритилишида киришмаларнинг аксарияти электр фаоллигини кўрсатмаслиги ва улар узоқ муддатли юқори ҳароратли ишлов беришдан сўнг фаоллашиши аниқланган.

4. Вольфрам ва молибден киришмалари билан легирланган кремнийда нуқсон ҳосил бўлиш жараёнларининг самарадорлиги легирлаш усулига, нуқсонли структуранинг мукамаллигига, термик фон ва дастлабки кремнийни бу киришмалар билан легирлашнинг технологик режимларига боғлиқ эканлиги биринчи марта аниқланди.

5. Вольфрам ва молибден киришмаларини юқори ҳароратли диффузия усулида кремнийга киритишда оптик фаол кислород концентрациясини вольфрам ва молибден киришмаларининг концентрациясига қараб 25-30% га камайитишига олиб келиши аниқланди. Таъсир вольфрам ва молибден киришмаларининг кислород билан нейтрал комплексларини шакллантириши билан боғлиқлиги кўрсатилди.

6. Вольфрам ва молибден киришмаларининг кремнийнинг таркибида бўлиши радиацион нуқсонларнинг ҳосил бўлиш самарадорлигини назорат намуналарига нисбатан 5÷6 мартагача пасайтиришига олиб келиши аниқланди, термик нуқсонлар концентрациясини эса 2÷3 марта камайитириши кўрсатилган.

7. Электронеутрал киришмалар (гадолиний) ни кремний таркибига олдиндан киритиш вольфрам ва молибден киришмаларининг эрувчанлигини оширишга олиб келиши, W ва Mo киришмаларининг чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлиш самарадорлигини 2 марта оширади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM/Т.01.12 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ФИЗИКИ ПОЛУПРОВОДНИКОВ И
МИКРОЭЛЕКТРОНИКИ НАЦИОНАЛЬНОГО УНИВЕРСИТЕТА
УЗБЕКИСТАНА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ФИЗИКИ
ПОЛУПРОВОДНИКОВ И МИКРОЭЛЕКТРОНИКИ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ПАЛУАНОВА АНИФА ДАРИБАЕВНА

**ЭЛЕКТРОФИЗИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА КРЕМНИЯ,
ЛЕГИРОВАННОГО ВОЛЬФРАМОМ И МОЛИБДЕНОМ**

01.04.10 – физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2022

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам
зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров
Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/FM.380**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте физики полупроводников и микроэлектроники при Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертация на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://ispm.uz>) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Далиев Шахрух Хожакбарович**
доктор физико-математических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Азаматов Закиржан Тахирович**
доктор физико-математических наук, профессор

Отажонов Салим Мадрахимович
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет**

Защита диссертации состоится «20» 01 2022 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте физики полупроводников и микроэлектроники при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100057, Узбекистан, г. Тошкент, ул. Янги Алмазар, дом 20. Тел.: (998 71) 248-76-94, факс: (998 71) 248-79-92; e-mail: info@ispm.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Отделе внедрения цифровых технологий института (зарегистрирована за № 32) по адресу: 100057, Узбекистан, г. Тошкент, ул. Янги Алмазар, дом 20. Тел.: (998 71) 248-79-59; e-mail: info@ispm.uz.

Автореферат диссертации разослан «20» 01 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 32 от «20» 01 2022 г.).



Ш.Б. Утамурадова
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

Ж.Ж. Хамдамов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, PhD

Х.К. Арипов
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире период бурного развития науки и техники стремительно растет спрос на использование устройств твердотельной электроники, микроэлектроники, опто- и наноэлектроники. С их развитием связано успешное решение проблемы создания современных систем связи и телевидения, эффективной передачи и преобразования электроэнергии, разнообразной бытовой, медицинской и специальной электронной аппаратуры. Область применения твердотельных устройств постоянно расширяется, создавая совершенно новые типы устройств, позволяющих развивать новые направления в промышленности, что, в свою очередь, требует улучшения структуры Si, являющегося основным материалом современной полупроводниковой твердотельной электроники. В связи с этим, одной из актуальных задач является изучение процессов образования дефектов в Si путем их легирования различными примесями и создание контролируемых методов стабилизации параметров полупроводниковых устройств.

В мире на сегодня изучение процессов дефектообразования в монокристаллическом кремнии, в частности, реализация научных исследований в следующих направлениях считается одной из важных задач: исследование процессов формирования дефектных центров в кремнии, легированном вольфрамом и молибденом под действием различных факторов; изучение влияния технологических примесей на механизмы образования глубоких центров в кремнии с примесями вольфрамом и молибденом; установление закономерностей в формировании энергетического спектра глубоких уровней, создаваемых примесями вольфрама и молибдена, их взаимодействия с другими примесями и структурными дефектами решетки, влияния термических и радиационных дефектов на формирование дефектной структуры легированного кремния. Научно-исследовательские работы, проводимые в указанных направлениях, указывают на актуальность темы данной диссертации.

В годы независимости, учеными Узбекистана уделяется большое внимание изучению процессов легирования полупроводниковых материалов и многослойных структур с глубокими уровнями. Достигнуты определенные успехи в разработках по повышению фоточувствительности кремниевых структур путем введения примесей тугоплавких элементов. В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, является наиболее важным повышение эффективности отрасли микроэлектроники на основе теоретических и практических исследований в области физики полупроводников за счет внедрения инновационных технологий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач предусмотренных в постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2789 “О мерах по дальнейшему

совершенствованию деятельности Академии наук, организаций, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, № ПФ-4947 «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 7 февраля 2017 года, ПФ-3855 «О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации результатов научно-технической деятельности» от 14 июля 2018 года, ПП-5032 « О мерах по повышению качества образования и совершенствованию научных исследований в области физики» от 19 марта 2021 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Настоящее исследование выполнено в соответствии с Приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: Ф2 «Физика, астрономия, энергетика и машиностроение» III «Энергия, энергосбережение, транспорт, машиностроение и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения».

